Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам рукуъдан бошларини кўтарсалар: «Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳ

Ибн Абу Авфо разияллоҳу анҳудан: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам рукуъдан бошларини кўтарсалар: «Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳ Раббимиз, Сенга ҳамд айтамиз ва Сенга осмонлару ер миқдорича ҳамда Ўзинг хоҳлаган нарсалар миқдорича ҳамд бўлсин!» – дер эдилар».

[Саҳиҳ] [Имом Муслим ривояти]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам рукуъдан бошларини кўтаргач: «Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳ», яъни ким Аллоҳга ҳамд айтса, унинг ҳамдини қабул қилади ва унга савоб беради. Сўнгра: «Сенга ҳамд айтамиз ва Сенга осмонлару ер миқдорича ҳамда Ўзинг хоҳлаган нарсалар миқдорича ҳамд бўлсин» осмонлару ерлар, улардаги нарсалар ва яна Аллоҳ хоҳлаган нарсаларни тўлдирадиган ҳамд айтамиз», –деганлар.

http://sunnah.global/hadeeth/uz/show/65101